O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
5 OKTABR
SHANBA
№ 125 (26.984)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

«Кабул — Ўзбек» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг Тошкентдаги Кўкча даҳаси филиалидамиз. Навбатдаги смена эндигина иш бошлаган соатлар. Дастгоҳлар гувиллаб ишлаб турибди. Мокиларга ўралаётган ип ва калавалар зум ўтмай тайёр маҳсулотлар зали томон узатилмоқда. Муҳандислар, мастерлар ишлаб чиқариш участкаларида банд. Ип ишлаб чиқарувчи ва калава ўровчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Филиалнинг қуввати қанча? — сўраймиз корхона директори Йўлдош Полвоновдан.

— Нима? Ҳозир... — Дастгоҳлар шовқинидан саволимизни аниқ эшитолмади, шекилли, қулоғини биз томон бурди у.

— Корхонанинг йиллик қувватини сўраяпмиз? Ишчи-хизматчилар сони қанча? Иш уч сменадами?

— Ҳа, уч сменада. Тўрт минг нафарга яқин ишчи-хизматчи бор. Йиллик ишлаб чиқариш қувватимиз 50 минг тонна пахтани қайта ишлаб, ундан ип, калава, хом сурп чиқарамиз...

— Маҳсулотлар сифати-чи? Рақобатбардошдир-а?

— Ҳа-да! Сифатига гап йўқ! Нархи ҳам арзон. Четга экспорт қилаяпмиз. Европа, Осиё давлатларидан, ҳатто Америкадан буюртмалар олдик. Харидорлар кўп, даромад ҳам...

— Даромаддан фойдаланиш-чи?

— Асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва яна ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга сарфланаяпти.

Суҳбатимиз шу ерга етганда директорни халқаро телефон алоқасига чақиришаётганини хабар қилишди.

— Янги харидор, янги буюртма бўлса керак, — шошиб хайрлашди у биз билан.

... Корхонадан қайтаётиб, 1999 йилда иш бошлаган мазкур жамоанинг иқтисодий салоҳияти бор-йўғи уч йилда шу қадар юксалганидан бир ажиб ҳисларга чўмдик. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиги рамзларидан бири бўлган корхона қувватларини ана шу ҳамкорликнинг бамисли қанотларига, парвозига менгзадик.

■ **Замон АЛИ**

✧✧✧

Суратларда: *корхонанинг пешқадам ишчиси Шоира Йўлдошева; ип-калава цехидан бир кўриниш.*

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ПОЙТАХТ АЭРОПОРТИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда жуда кўп соҳалар ислох этилиши билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ҳар томонлама такомиллаштирилмоқда. Бу тармоқ ҳақида сўз борар экан, аэропортларни алоҳида таъкидламоқ жоиз. Йўловчиларнинг узоғини яқин қилишда, айниқса, ҳаво йўлининг аҳамияти катта.

Пойтахтимизнинг марказий ҳаво дарвозаси бўлмиш «Тошкент» аэропорти истиқлол йилларида тамомила ўзгача қиёфа касб этди. Ундаги халқаро қатновлар амалга ошириладиган аэровокзал тубдан янгиланди. 1998 йилдан буён амалга оширилган лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларидан ошади. Шу вақт давомида 30 минг квадрат метрлик майдон — қарийб бутун аэровокзал таъмирдан чиқарилди. Сув таъминоти, иситиш ва совутиш, ҳаво тозалаш тизимлари бутунлай янгиланди. Жами олтита, жумладан, ногиронларга мўлжалланган лифтлар ўрнатилди, замонавий ўт ўчириш тизими ишга туширилди.

Аэропортнинг юкларни бошқариш, учиш-қўниш ҳақида эълонлар бериш тизимлари халқаро андозаларга мосланиб, хавфсизлик учун видеоназорат мосламалари, бевосита самолётга олиб чиқувчи тўртта телескопик трап ўрнатилди. Бир сўз билан айтганда, «Тошкент» марказий ҳаво терминали халқаро андозалар даражасига олиб чиқилди.

3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахт аэропортидаги бундай хайрли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида у ерга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари амалга оширилган ишларни кўздан кечирар экан, Ўзбекистонга келувчи хорижлик меҳмонлар юртимиз билан танишувни аэропортдан бошлашини доим эътиборда тутиш зарурлигини таъкидлади. Аэропортда хизмат кўрсатиш, хусусан, технологик хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган эса-да, уни безашда дизайнга етарлича эътибор қаратилмаган. Хусусан, ташқарида ён-атрофга кўпроқ дарахт ўтқазилиб, кичик меъморий шаклларни ифодалайдиган ўсимликлар кўпайтирилса, ичкарида маълумотлар таблоси қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Президентимиз терминал хизматчилари, божхоначилар, чегарачилар ва хавфсизлик учун масъул бўлган ходимлар билан суҳбатлашди. Айтиш керакки, аэровокзал таъмирдан чиққач, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг савияси билан бирга суръати ҳам ошди. Қайддан ўтиш, божхона текшируви, чегарадан ўтказиш илгаригидек кўп вақт олмайди. Хавфсизлик хизмати ҳам ўта замонавий техника билан таъминланган. У барча турдаги хавфли буюмлар ва қуролларни қисқа фурсатда аниқлаш имконига эга.

Ислом Каримов В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги маҳсулоти — Ил-114-100 русумли самолётни кўздан кечирди. Бу ҳаво кемасининг энг муҳим афзалликларидан бири — тежамкорлигидир. Ўзбекистонда ички қатновларни амалга оширадиган асосий самолётлар — Ан-24 ва Як-40 ундан 2-3 ҳисса кўп ёнилғи талаб қилади. Шовқини ҳам ўта баланд. Бу жиҳатдан Ил-114-100 Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ICAO) барча меъёрий талабларига мосдир.

Уни эски модель — Ил-114 билан солиштирганда яна қуйидаги ўзгаришларни қайд этиш мумкин. Парвоз узоқлиги 250 километрга узайган, ҳавога кўтарилиш учун эса 200 метр кам масофа талаб этилади. Двигатель қуввати 250 от кучига кўпайган. Қолаверса, Ил-114да ҳавода бошқа самолёт билан хавфли яқинлашувдан огоҳлантириш тизими йўқ, сув ва электр таъминоти ҳозиргидек такомиллаштирилмаган эди. Янги самолёт хорижий мамлакатларга ҳам, Ўзбекистондаги учиш-қўниш йўлаги нисбатан қисқа бўлган маҳаллий аэропортларга ҳам қатнай олади, ҳар қандай об-ҳаво шароитида парвозни амалга ошираверади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг марказий ҳаво дарвозаси янги, замонавий қиёфа касб этиб, хизмат кўрсатиш даражасини кескин оширди, самолётларимиз парки эса янги, замонавий самолётлар билан бойимоқда.

■ **(ЎзА)**

ЎҚУВ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Навоийда «Лизинг — бу Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш воситаси» деб номланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинарда вилоятдаги барча туман ва шаҳар ҳокимларининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоят банк, молия, солиқ, божхона, давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармалари, хўжалик суди, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, тадбиркорлар палатаси, «Мадад» ва «Агросуғурта» директорлиги вакиллари, илғор деҳқон ва фермер хўжаликларининг раислари иштирок этишди.

■ **Абдумутал НОРБОЕВ**

МАЪЛУМОТ

ОКТЯБРЬ ОБ-ҲАВОСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Юртимизда олтин куз. Бепоён далаларимизда ҳосил йиғим-терими авжида. Ҳамма тер тўкиб ишлаяпти, етиштирилган ҳосилни тезроқ саранжом-саришта қилиш пайида. Бутун диққат-эътибор, саъй-ҳаракатлар шунга қаратилган. Лекин кўнгилнинг бир бурчагида «Эртага об-ҳаво қандай бўлар экан, айнаб қолмасмикан?» деган хавотир ҳам йўқ эмас. Ахир кузнинг салқин, ёғин-сочинли кунлари яқинлашиб қолди...

Шу тарздаги ўй-мулоҳазалар билан Республика «Бошгидромет» бошқармаси етакчи синоптиги Ирина Борисовна Зайцевага мурожаат этдик ва октябрь ойида об-ҳавонинг қандай бўлишлигини шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Сентябрь ойида об-ҳавонинг бу йилгидай очиқ, иссиқ келиши мамлакатимиз иқлими учун кам учрайдиган ҳодиса эмас, — деди у суҳбат аввалида. — Масалан, Тошкентда кейинги беш йил мобайнида, 1997 ва 2001 йилларда шундай илиқ-иссиқ кунлар бўлганди.

Бу йилги сентябрда эса ўртача ойлик ҳарорат нормадагидан 1-2 даража юқори бўлди. Ёғингарлик масаласига келсак, мамлакатимизнинг аксарият ҳудудларида бир томчи ҳам ёмғир ёғмади, баъзи жойларда эса озгина севалаб ўтди. Фақат сентябрь ойининг бошида Фарғона водийси ва ой ўртасида Қорақалпоғистонда анча-мунча ёғингарчилик бўлди.

— Октябрь ойининг дастлабки кунларида об-ҳаво яхши келди. Бундай буён қандай бўлади?

— Ой охиригача об-ҳаво қандай бўлишини айтишим қийин: чунки биз узоқ муддатга мўлжалланган маълумотлар тайёрламаймиз. Яқин тўрт-беш кунга бўлса, марҳамат: 5-6 октябрь кунлари мамлакатимиз ҳудудига бирмунча нам ҳаво оқими кириб келади. Қорақалпоғистон ва Хоразм, Бухоро, Навоий, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида булутлар қуюқлашади, қисқа муддатли ёмғирлар ёғиши мумкин.

Бошқа ҳудудларда эса ёғингарчилик бўлмайди. 7-10 октябрдан бутун республика бўйлаб яна қурук, кам булутли об-ҳаво қарор топади.

Аммо куз кузлигини кўрсатади — ҳаво ҳарорати озми-кўпми пасаяди: кечаси 9-14, кундузи 25-30 даражага тушади. Республикамиз шимолида эса кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража илиқ бўлиши мумкин. Зеро бу кўрсаткичлар ҳам меъёрдагидан юқори саналади.

Бу маълумотлар ҳосил йиғим-терими иштирокчилари кўнглидаги хавотирни бироз юмшатиши мумкин. Лекин биз қиш фаслига қараб кетаётганимизни ҳам унутмаслигимиз керак. Жумладан, октябрнинг ўртаси ва ойнинг иккинчи ярмида об-ҳаво айниши, ҳароратнинг анча пастга тушиши кутилмоқда. Лекин бундай кунлар тезда ўтиб кетади, ўрнини яна илиқ-иссиқ кунлар эгаллайди.

■ **Бобо САРОЙИ ёзиб олди.**



Абдулла ОРИПОВ

ЎГИТ

Мана, ўтиб олдинг асал ойидан,
Энди сув ичгайсан турмуш сойидан.
Етти ўлчаб бир кес, етмиш ўлчаб кес,
Лекин кес, Ёшулли айтган жойидан.

1 октябрь, 2002 йил

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЎЙИНЛАР» ҚУРШОВИДА ҚОЛГАН ҚЎШМА КОРХОНА»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 5 сентябрдаги сонида чоп этилган «Ўйинлар» қуршовида қолган қўшма корхона» сарлавҳали мақола вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, 2002 йил 7 июнь куни даъвогар — Жиззах вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жавобгар — «Жибри» қўшма корхонаси бошқаруви кенгашига нисбатан даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, қўшма корхонанинг Устав фондини шакллантириш учун 1993-96 йилларда бирлашма томонидан берилган мол-мулк таъсис ҳужжатларида тўла акс эттирилмаганлиги, бирлашманинг қўшган хиссаси сунъий равишда камайтирилиб кўрсатилганлиги, иштирокчиларнинг улушлари нотўғри тақсимланганлиги ва нотўғри юритилганлигини билдириб, шунингдек, Устав фондининг улуш миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги мурожаатлари «Еврокоммерц-ЛТД» фирмаси ва қўшма корхона бошқаруви кенгаши томонидан рад этиб келинаётганлигини кўрсатиб, Устав фондидаги таъсисчилар улушларининг ҳақиқий миқдорини белгилаб беришни сўраган.

Ушбу даъво аризаси вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилди, даъвогарнинг даъвоси ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, «Жибри» қўшма корхонасининг жами Устав фонди 321622 АҚШ доллари миқдорида, шундан даъвогар — «Пахтасаноат» бирлашмасининг таъсис улуши 190387,7 АҚШ доллари миқдорида (59,2%) ва «Еврокоммерц-ЛТД» қўшма корхонасининг таъсис улуши 131234,3 АҚШ доллари (40,8%) миқдорида белгиланган.

Иш кўрилиши жараёнида аниқланишича, 1993 йил сентябрь ойида қиймати 3591,5 АҚШ долларига тенг бўлган (4884000 Россия рубли) икки дона Б6-ВМА валцовка станоги олиб келинган. «Жибри» қўшма корхонаси билан Россия Федерациясининг Ростов-Дон шаҳрида жойлашган ПО «Ростпродмаш» корхонаси ўртасида икки дона Б6-ВМА русумли валцовка станогини етказиб бериш тўғрисида рақамсиз шартнома тузилган, қўшма корхона директори деб Р.Бўстонов кўрсатилган, лекин Р.Бўстонов ўша вақтда қўшма корхонада ишламаган.

Бундан ташқари, 1993 йилда «Жибри» қўшма корхонасига МПЖ-68 русумли 3 дона маслоотживной агрегатлар келтирилган. Ушбу агрегатларнинг келиб чиқишини, қийматини, қайси давлатдан келтирилганлигини, қайси божхона органлари орқали рўйхатдан ўтганлигини ва қайси банк хизмат кўрсатганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатлар мавжуд эмас.

Ушбу ҳолатлар юзасидан 2002 йил 26 июлда Жиззах вилоят хўжалик суди томонидан «Жибри» қўшма корхонаси, «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва «Еврокоммерц-ЛТД» фирмаси мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «а» банди, 209-моддаси 1-қисми ва 182-моддаси 2-қисми «а» бандлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Бугунги кунда жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилмоқда.

■ **Жиззах вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Р. МУҲИТДИНОВ.**

14th Asian Games BUSAN 2002

ОКСАНАНИНГ ЖАСОРАТИ

ВА УНИНГ ОЛТИН, КУМУШ МЕДАЛЛАРИ

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида Осиё ўйинлари қизғин давом этмоқда. Велоспорт, юнон-рум кураши, дзюдо, сузиш, академик эшкак эшиш, синхрон сузиш, спорт гимнастикаси сингари бир қатор спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Вакилларимиз ҳозиргача уч олтин, етти кумуш, тўққизта бронза медалини қўлга киритишди.

Велоспорт баҳсларида беш нафар вакилимиз қатнашмоқда. Ўзбекистон жамоасига илк медални велоспортчимиз Сергей Грушевский тухфа этди. Сергей 48 километр масофани учинчи бўлиб босиб ўтди ва дастлабки бронза медалига сазовор бўлди. Сўнгра 169 километр гуруҳ велопойгада вакилимизга омад кулиб боқди. У Ўзбекистон жамоасига илк олтин медални тухфа этди.

Спорт гимнастикаси бўйича энг тажрибали вакилимиз, Барселона олимпиадаси чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби ҳамда совриндори Оксана Чусовитина матонат ва жасорат намунасини кўрсатди. Узоқ танаффуздан сўнг катта спортга қайтган Оксана таяниб сакраш баҳсларида олтин, кўпкураш беллашувларида эса кумуш медални қўлга киритди. Йигирма етти ёшли ҳамюртимизнинг ушбу ғалабаси ёшларимиз учун ибрат, албатта. Дарҳақиқат ёш гимнастикачиларимиздан Республика олимпия заҳиралари коллежи талабалари Феруза Хўжаева, Нозигул Олматовалар мутахассисларда яхши таассурот қолдиришди. Қизларимиз умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллашди.



«Жаҳон» АА олган сурат

Оксананинг турмуш ўртоғи Баҳодир Қурбонов ҳам юнон-рум кураши мусобақаларида муваффақиятли иштирок этди. 66 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Баҳодир кумуш медаль соҳиби бўлди.

Дзюдо беллашувларида гиламга чиққан етти полвонимиздан тўрт нафари совриндорлар қаторидан жой олди. Эгамназар Акбаров, Фарҳод Тўраев, Вячеслав Перетейколар ўз вазн тоифалари бўйича шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилишди. Мутлақ вазн тоифасида эса вакилимиз Абдулла Тангриев финалга чиққан эди. У ҳал қилувчи беллашувда Жанубий кореялик дзюдочига очколар бўйича имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Юнон-рум кураши баҳсларида Евгений Ерофайлов (81 кг.) кумуш, Камол Холматов (55 кг.), Шермуҳамад Кўзиев(130 кг.)лар бронза медалларини қўлга киритишди. Кеча А.Чеглаков (96 кг.) финалда Жанубий Корея вакилини 5:0 ҳисобида ютиб, чемпион бўлди. Дилшод Орипов (60 кг.) эса ҳал қилувчи баҳсда кореялик рақиби билан тенгма-тенг кураш олиб бориб, қўшимча вақтда имкониятни бой берди.

Академик эшкак эшиш баҳсларида аёлларимиздан Севара Ғаниева, Анна Кузнецовалар хитойлик спортчилардан сўнг иккинчи натижани кўрсатиб, кумуш медаль билан тақдирландилар. Эркаклар ўртасида ўтган жамоавий баҳсларда эса вакилларимиз учинчи ўринни эгаллашди.

Кеча бокс бўйича жанглар бошланди. Енгил вазндаги вакилимиз Беҳзод Хидиров филиппинлик боксчини 10:0 ҳисобида мағлуб этди. Шерзод Ҳусанов ҳам дастлабки жангда ғалаба қозонди.

Теннис бўйича (эркаклар) ҳамюртларимиз ҳиндистонликларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кучли тўртликдан жой олди. Теннисчиларимиз финалга чиқиш учун энди японияликлар билан куч синашади.

Умумжамоа ҳисобида қуйидаги мамлакатлар вакиллари пешқадамлик қилишмоқда:

	ОЛТИН	КУМУШ	БРОНЗА
1. Хитой	71	30	20
2. Япония	22	31	30
3. Ж. Корея	21	26	30...
6. Ўзбекистон	3	5	6

■ **Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧

Суратларда: олтин ва кумуш медаллар соҳибаси Оксана Чусовитина; олтин медаль совриндори Сергей Грушевский.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ ПОЙТАХТИГА ПАРВОЗ

Шу йилнинг 6 ноябрида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг Токиога мунтазам парвозлари бошланади.

Авиакомпаниямизнинг Япония билан ҳамкорлигига 6 йил тўлаяпти. Қисқа вақт мобайнида ўзбек «Боинг»лари ва «А-310» ҳаво кемалари Кунчиқар мамлакат шаҳарларига ўнлаб чартер парвозларини амалга оширди. Тошкент ва Осака ўртасида мунтазам парвозлар ҳам йўлга қўйилди. Дарвоқе, мазкур ҳаво кўприги Японияни Марказий Осиё ва Кавказорти минтақаси билан боғловчи ягона авиатранспорт томири ҳисобланади.

Мана энди «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг парвозлар харитасида Токио ҳам ўрин эгаллайдиган бўлди. Парвоз ҳақидаги тегишли расмий рухсатнома Япония авиамаъмуриларидан олинди. Уни республикамизга ташриф буюрган Япония ердан фойдаланиш, инфраструктура ва транспорт вазирининг ўринбосари жаноб С. Ивамури «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори Валерий Николаевич Тянга топширди.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

БИЗДА ОФТОБ ҲАМ МЎЛ

— ДЕЙДИ ДЕНОВ ТУМАНИ ҲОКИМИ АБДУЛҲАКИМ ЭШМУРОДОВ. — ЛЕКИН ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ ТАДБИРКОР, ИШБИЛАРМОН ОДАМЛАРДИР

— Туманимиз азал-азалдан ўзининг савдогарларию тадбиркорлари, чорвадорлари билан машхур бўлиб келган, — давом этди ҳоким. — Шу боис, бозор иқтисодиёти шароитида деновликлар саросимага тушиб ўтиришмади, дадил ишга киришди. Қишлоқ хўжалиги билан саноат тизимида тараққиёт одимлари бошланди. Қишлоқларда қўшма корхоналар қад кўтариб, ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлик авж олди.

Биргина ғаллачилик соҳасини оладиган бўлсак, жорий йилда туманда салмоқли ғалла хирмони уюлди. Давлатга соғин сигир, 650 бош қўй ва эчки мавжуд. 2001 йилда эл дастурхонига 1164,5 тонна гўшт, 219,9 тонна сут етказиб берилди. Бу йил 1320 тонна гўшт ва 270 тонна сут етиштириш мўлжалланмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, мулкка эгалик ҳиссини уйғотишда банкларнинг ўрни беқиёс, албатта. Қўшни туманларда бир ёки иккита банк фаолият кўрсатаётган бўлса, Деновда бир йўла 7 та банк мижозлар хизматида. Тадбиркорлар, айниқса, миллий банк туман филиали хизматидан мамнун. Ўтган ойлар давомида кирилган 29 минг 387 тонна сара дон етказиб берилиб, режа 119,2 фоиз уддаланди. 19 минг 260 тонна ғалланинг учдан бир қисми оилавий пудратчиларга бепул берилди. Бунинг 4543 тоннаси меҳнаткашларнинг иш ҳақига ҳисоблаб тарқатилди. 115 тонна ғалла эса кам таъминланган оила ва нафақахўрларга берилди. Бугунги кунда ҳам омборларда 5 минг тоннага яқин дон сақланмоқда.

— Қарияларни қадрлаш йилида хирмонларимиз ростакамига донга тўлди, — суҳбатга қўшилди уста пахтакор, С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев. — Ҳар гектар майдондан 50 центнердан ҳосил олинди. Бу — бутун туман бўйича ўртача кўрсаткич. Бизнинг хўжалигимизда эса Ислом Ҳамроев, Акрам Қорабоев сингари оилавий пудратчилар гектаридан ҳатто 106, 110 центнергача ҳосил олишди. Режадан ортиғи ўз эгаларига қолдирилди. 35, 40 тонналаб ғалла олган пудратчилар бўлди... Гапнинг мавриди келганда айтиб қўя қолай, хўжалигимиз воҳага уруғлик буғдой етказиб беради. Жорий йилда 2140 тонна уруғ тайёрладик. Мамлакат ғазнасига 576 минг доллар фойда келтирдик...

Туманда аграр ислоҳотларнинг биринчи қалдирғочлари — фермерларга катта эътибор берилмоқда. Ҳозир деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси тасарруфида 107 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Чорвачиликка ихтисослаштирилган 23 та фермер хўжалигида 2600 бош қорамол, 400 бошга яқин чик ва ўрта бизнес субъектларига 146 миллион сўмдан ортиқ кредит берилди. Шундан саноатни ривожлантириш учун 5 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 84,5, савдо-воситачилик, қурилиш ва бошқа соҳаларга 57 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Бундан ташқари, имтиёзли кредитларни кўпайтириш мақсадида банк ўз маблағи ҳисобидан мижозларга 23,5 миллион сўм кредит берди. Йил охиригача яна 200 миллион сўм кредит ажратиш кўзда тутилмоқда.

...«Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев ҳақида сўз кетганда, тумандагилар уни «мактаб қурган, спорт кошонаси бунёд этган саховатпеша тадбиркор», дея ҳурмат билан тилга олишади. «Ташаббус — 2002» республика кўрик-танлови ғолиби А. Нарзуллаев 1991 йилда «Лочин» фермер хўжалигига асос солди. Хўжаликда дастлаб 30 бош қорамол бор эди. Бугун эса улар 1550 бошга етди. Шундан 100 га яқини соғин сигирлар. Аҳмадбой ўтган йили ҳарбий қисмларга ҳам 500 тоннага яқин гўшт, 200 тоннадан ортиқ картошка етказиб берди. Ўтган йили сутни қайта ишлаб сариёғ, пишлоқ, музқаймоқ тайёрлайдиган 55 минг АҚШ долларига тенг технология сотиб олиб келди. Бугун эса қандолатчилик фабрикаси қуриш йўлида елиб-югурмоқда.

Ҳабибулло Нормуродов деган яна бир тадбиркор ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. У ташландиқ жойда улкан завод қурди. «Гулзор» номли савдо маркази ва сиҳатгоҳ бунёд этди...

Деновда ташаббускор, тадбиркор, ўз ишининг усталари бўлган одамлар кўп. Зокир Мамажонов, Тоштемир Турдиев, Жалолиддин Қосимов, Мавлуда Исмоилова, Эътибор Хўжаева, Бегмурод Хидиров, Эргаш Мирзаев ва яна кўплаб ўз касбининг фидойилари ҳақида ҳам гапирса, ёзса арзийди.

— Тўғри, бизда ишнинг кўзини биладиганлар кўп, — сўзини якунлади ҳоким. — Жанубда офтоб тафти «қуюқроқ». Одамлари ҳам бироз қизиққонроқ. Лекин меҳнаткаш ва меҳмоннавоз. Чўрткесар, дангалликни хуш кўришади. Туманимизнинг энг катта бойлиги, кучи-қудрати ҳам ана шу одамлар. Уларнинг салоҳияти катта. Ҳамма соҳада яхши мутахассислари бор. Афсуски, ҳали имкониятларимиз даражасида ишлаётганимиз йўқ. Масалан, туманда қўшма корхоналар сони нисбатан кам. Шундай бўлса-да, жорий йилнинг ўтган ярим йилида хорижга 801,9 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилдик. Қўша корхоналарни кўпайтириш, янги технологиялар олиб келиш устида ишлаяпмиз. Яқинда 194,6 минг доллар ҳажмдаги янги жиҳоз ва ускуналар сотиб олдик.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам тубдан яхшиланди. Уй-жойлар, савдо шаҳобчалари, амбулаториялар бунёд этилди. Янги мактаб, коллеж ва билим юртлари қурилди...

Ҳа, бу йил ўзининг 75 йиллигини нишонлаш арафасида турган бугунги Деновнинг таровати ўзгача. Ҳар куни бир янгилик, бир ташаббус, изланиш... Одамлари ҳам ўзгарган, тадбиркорликнинг этагидан маҳкам тутган. Бекорчи одам йўқ. Ҳамманинг танлаган касби, аниқ режаси бор. Ҳар бир ташаббус туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда, ёрдам кўрсатилмоқда.

...Бир тадбиркор дўстим шундай деган эди: «Ишлайман деган одам қўллаб-қувватланса, сунъий тўсиқлар бўлмаса, ҳамма жойда ишлар юришиб кетади». Унинг ҳақлигини Денов ва деновликлар мисолида кўрса бўлади.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП ҲАЁТИ

МУКОФОТЛАНГАНЛАР ШАРАФЛАНДИ

Республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан Ватанимиз орден ва медалларига сазовор бўлганлар орасида Самарқанд шаҳрида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган 20 нафар кишилар бор.

ХДП Самарқанд шаҳар кенгашида мукофотланганларни табриклаш ва қутлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов табригини мукофотланганларга шаҳар кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Темиров топширди.

— Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганимдан беҳад хурсандман. Бу янада кўпроқ, янада самаралироқ меҳнат қилишга чорлайди, — дейди СамДУ профессори, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони билан тақдирланган Мавлон Жўрақулов. — Келажак — ёшларники. Уларни юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун астойдил хизмат қиладиган ватанпарварлар қилиб тарбиялаш бизнинг шарафли бурчимиз.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**

АНДИЖОНДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон шаҳар кенгашида партия дастури ва сайловолди парламентчилик сиёсатини амалга оширишда партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалага бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси аъзолари, ХДП дан халқ депутатлари шаҳар кенгашига сайланган депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши котиби О. Мадаминова, Андижон шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби А. Носиров маъруза қилдилар.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Пайариқ туман партия кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Мукаррама Примқулова Ўзбекистон ХДП мазкур туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Пленумда Самарқанд вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р.Ҳамроқулов ва Пайариқ тумани ҳокими Ш.Ғуломов сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюросининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида 2003 йил учун партия матбуот нашрларига обунани ўтказиш юзасидан МК Сиёсий ижроқўми топшириқларини бажаришни таъминлаш чора-тадбирлари ва Қуйи Чирчиқ туман партия кенгашининг, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, Қарияларни қадрлаш йили тадбирларини ўтказиш амалиёти тўғрисидаги масалалар кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзХДП нашрларига келаси йил учун обунани ташкиллаштириш масаласи **Наманган ва Окдарё туман партия кенгашлари** уюштирган фаоллар йиғилишида ҳам кўриб чиқилди.

Сайхунобод, Оқолтин, Ш.Рашидов, Сирдарё, Зафаробод ва Зомин туманлари ҳамда Андижон вилоятидаги 11та туман (шаҳар) кенгашларида, Марказий Кенгаш қарорига мувофиқ, жорий йилда ўтказилган минтақавий семинар-кенгашлар тавсиялари асосида ички партиявий ишларни такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш масалаларига бағишланган семинар-кенгашлар бўлиб ўтди. Уларда Сирдарё, Жиззах ва Андижон вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари Д. Кулматов, М.Имомов, С. Раҳимовлар «Парламент ислоҳоти ва партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида маъруза қилдилар, мазкур кенгашларнинг биринчи котиблари жойларда амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот бердилар. **ХДП Деҳқонобод туман кенгаши уюш**тирган шу мавзудаги тадбирда ушбу партия ташкилоти етакчиси А. Норбоевнинг маърузаси тингланди. Тадбирларда, тегишлича, Марказий Кенгаш масъул ходими С. Усмонов, Андижон вилоят партия кенгаши котиби О. Мадаминова, шаҳар ва туман партия кенгашлари ижроия бюроларининг аъзолари, партия ташкилотлари тафтиш комиссиялари раислари, ХДПдан сайланган депутатлар, йирик бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирок этдилар. Шунингдек, уларда Сайхунобод, Ш. Рашидов, Сирдарё туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари Г.Эргашев, Б.Бобонов, Ю.Йўлдошев қатнашдилар.

Партия ички ҳаёти ва фаолиятига оид долзарб масалалар бошланғич ташкилотларда ҳам муҳокама қилинмоқда. Жумладан, **Деҳқонобод туманидаги «Қўнғирот» ва «Қизилча» ширкат хўжаликлари, Яккасарой туманидаги «Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сервис маркази» бошланғич партия ташкилотларида** яқинда ўтказилган очиқ умумий партия йиғилишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларда мазкур туман партия кенгашлари биринчи котиблари А.Норбоев ва Т.Сайфуллаев сўзга чиқиб, партиядошлар фаоллигини ошириш, ЎзХДП Низоми талабларига риоя қилиб, партиявий интизомни мустаҳкамлаш масалаларига урғу берилди. «Қизилча» ш/х ва «Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сервиз маркази» бошланғич партия ташкилотларида, ХДП аъзоларининг таклифига мувофиқ, Э. Менглиев ва Т. Ҳакимов БПТ котиблари этиб сайландилар.

Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар ташкилоти тафтиш комиссиянинг йиғилишида қатор бошланғич партия ташкилотларида ХДПга аъзолик бадалларини тўлаш аҳволи кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда партия ҳаётининг шу соҳасидаги ижобий ишлари қайд қилиниб, мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Шаҳар партия кенгаши раҳбари К.Юсупалиев йиғилишда сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари партиядан сайланган депутатларга ўз депутатлик бурчларини бажаришда яқиндан кўмаклашмоқдалар. Чунончи, **Шаҳрихон туман партия кенгаши** Олий Мажлис депутати У.Бозорбоевнинг ўз сайловчилари билан навбатдаги учрашувини ташкиллаштиришда иштирок этган бўлса, **Қоракўл** тумани халқ депутатлари Кенгашига сайланган мазкур **туман партия кенгаши** биринчи котиби Ф. Бебутов «Маллаших» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги учрашувда Ўзбекистон ХДПнинг парламентчилик иши ҳақида ҳикоя қилди ва ўз депутатлик фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон ХДП Нарпай туман кенгаши ташкил этган йиғилиш республика Олий Мажлиси IX сессияси ҳужжатлари мазмунини халққа етказиш бўйича вазифаларни аниқлашга бағишланди. Унда ушбу масала юзасидан республика парламенти аъзоси Т. Тошмуродов ва Самарқанд вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р. Ҳамроқулов сўзга чиқдилар. Йиғилишда туман ҳокими ўринбосарлари А. Раҳматов ва Ш.Бобоқуловалар иштирок этдилар.

Тошкент вилоят партия кенгашида бўлиб ўтган «давра суҳбати»да «Мамлакатимизда парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон ХДП ташкилотлари» мавзуси муҳокама этилди. Суҳбатда фаол иштирок этган Чирчиқ, Бекобод шаҳар, Оққўрғон, Пскент туман партия кенгашлари биринчи котиблари Д.Азизхўжаев, Б.Содиқов, М.Турдибоева, Д.Комилова ва бошқалар, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасида баён этилган қоидаларга таянган ҳолда, ўз фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Жойларда, Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг 11 йиллигига атаб, тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, **Бешариқ туманининг** «Рапқон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 27-мактаб, йўл қурилиш бошқармаси,7-боғча-сиҳатгоҳда фаолият кўрсатаётган ва Юқори қишлоқ маҳаласида истиқомат қилувчи ЎзХДП аъзолари иштирокида ўтказилган очиқ йиғилишларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий ғоялари ва халқчил сиёсати, унинг маҳаллий ташкилотларининг аниқ ишлари тўғрисида ҳикоя қилинди.

Қўқон шаҳар ва Қоракўл туман партия кенгашлари ташаббуси билан, тегишлича, «Мустақиллик» маҳалласи ва 15-сонли ўрта мактаб негизида Қарияларни қадрлаш йили дастурлари доирасида «бир пиёла чой устида» учрашув ва «Кексалик илми» мавзусида «давра суҳбати» ташкил қилинди. Мазкур партия кенгашлари раҳбарлари тадбирларда иштирок этган фахрийлар ҳақида илиқ сўзларни баён этиб, уларни совға-саломлар билан сийладилар.

Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгашида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб учрашув ўтказилди. Унга таклиф этилган халқ таълими тизими ходимлари вакиллари ва фахрийлари учун байрамона дастурхон ёзилди, «Етти гўзал» дастаси артистларининг концерти уюштирилди, совға-саломлар улашилди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов, мазкур туман ҳокими Р. Рўзимуҳаммедов ва «Шарқ хотин-қизлари» халқаро жамғармаси раиси, БМТ Маънавий бирдамлик халқаро академияси вице-президенти С. Турсунбоевалар устозларни чин дилдан табриклаб, уларга мустаҳкам соғлиқ ва омад тиладилар.

«ҚОВУНЧИ»ДА ЯНГИ МАКТАБ

Қўшработ туманининг Очил Қодиров номли хўжалиги ҳудудидаги ўнга яқин қишлоқнинг номи «Қовунчи» дейилади. Тўрт минг аҳолиси бор. Бу ердаги иккита ўрта мактабда ўқувчилар билим олишяпти. Яқинда «Жомбулоқ»даги 50-ўрта мактабнинг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Эътиборли томони шундаки, мактаб ҳашар йўли билан бунёд этилди.

— Қовунчиликлар илмга чанқоқ, маърифатли инсонлар бўлгани туфайли ҳам шундай хайрли ишни бажаришди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Н.Усмонов. — Синфхоналарни безатишни эса ҳомийлар зиммасига олишди.

■ **Равшан ШОДИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЗАМИН ЗАҲМАТКАШЛАРИ

ЕРНИ СУЙГАННИ ЭЛ ҲАМ СУЯДИ

«Умрини далада, меҳнат қучоғида ўтказган ажойиб инсон — Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Маҳаматжон Усмонов ҳақидаги ушбу битигимизга атай шундай сарлавҳа танладик...»

— деб ёзади хўжалик аъзолари номидан меҳнат ва уруш фахрийлари — Минаввар Мирзабеков, Аъзам Ғиёсов, ўқитувчи Турдимурод Тўқсонбоев, ширкат аъзолари — Омонгелди Абдусатторов, Темирхон Абдиев, Тошқора Шохмонов ва бошқалар.

Ширкат аъзолари суйиб, ардоқлаб тилга олган раиснинг меҳнат фаолияти йўлига кўз ташлаймиз. У олий маълумотли муҳандислик дипломи билан ўзи туғилиб ўсган жонажон қишлоғи — Кўксаройга қайтди. 1976 йилда хўжаликка бош муҳандис, 1986 йилда «Тошкент» совхозида директор, 1992 йилдан то ҳозиргача ширкат хўжалиги раиси...

Бу йиллар ичида у хўжалик моддий-техник базасини ривожлантириш, аҳолини иш билан банд этиш, экин далалари ҳосилдорлигини ошириш, давлатга кўплаб турдаги сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ва маданий-маиший иншоотлар қуриш сингари давр талаб юмушлар ижросида озмунча ишларга бош-қош бўлди дейсизми?!

Саксонинчи йиллар охирларида ҳозирги ширкат ҳудудида минг тонналик сиғимга эга мева-сабзавот сақланадиган замонавий совутгич омбор қуриб ишга туширилганда айрим ён-атроф хўжаликларда лоақал 200-300 тонналик оддий омбор ҳам йўқ эди. Кўп ўтмай бу ерда йиллик қуввати 3,5 минг тонна сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва цехи қурилди. Изидан Германиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган ва бир кеча-кундузда 3 тоннагача колбаса тайёрлай оладиган цех ишга тушди.

Ташаббускор раис мустақиллик йилларининг илк кезлариданоқ аҳолини қишлоқ хўжалигида бошланган ислоҳий ўзгаришларни, хусусийлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлашга даъват қилди. Ширкатнинг иссиқхона хўжалигини иш кўзини билган моҳир деҳқонларга хусусийлаштириб бериш таклифи билан чиқди. Қатор йилларки, иссиқхонада етиштирилаётган сабзавот маҳсулотлари ва резавор мевалар Тошкент шаҳри бозорларини қишин-ёзин тўкин қилиб турибди.



— Илгарилари қор-қировли, ёмғир-ёғинли кунларда ҳам раисни доим далада, баъзан якка ўзи кезиб юрган пайтларини кўриб ҳайрон қолардик, — деб ҳикоя қилади Минаввар Мирзабеков. — Кейин билсак, у киши ўша чоғлари эриган қорёмғир сувлари қайси нишабга қараб оқишини, баҳорда ариқни қаёқдан тортиш кераклигини, қаерга қандай қилиб сув тортиш лозимлигини чўтлаб юрар экан... Саксон тўққизинчи — тўқсон биринчи йилларда 18 километр узунликда темирбетонли суғориш тармоқлари қуриб ишга туширилди. Шу-шу ширкатимиз экинзорларида ҳосилдорлик йил сайин ўса борди. Айниқса, бу — ғалла ҳосилдорлиги кўрсаткичларида яққол сезилди...

— Мен қишлоқда оддий муаллимман, — суҳбатга қўшилди Турдимурод Тўқсонбоев, — Маҳаматжон ака хўжалигимиз аҳлига салкам 30 йилдан буён раҳбарлик қилади. Бу давр ичида тикланган 2 та замонавий мактабларимизда ҳозир меҳнаткашларнинг 2500 нафар ўғил-қизлари таҳсил олмоқда. Уларни жиҳозлаш ва таъмирлаш йўлида ўзларини-ўзлари маблағ билан таъминлашлари учун 2 гектар экин майдони ажратиб берилган...

Қарангки, раисимиз маданий-маиший ишлар ижросида ҳам дала билан, экин майдонлари билан ҳисоб-китоб қилади. Ҳудудимиздаги катта футбол стадиони, 2 та тиббий поликлиника, 2 та болалар боғчаси, новвойхона, сартарошхона, телеателье ва пойабзал устахоналари, «Атлас-Мод» кийим тикиш цехи, чойхона, дўкон — ҳамма-ҳаммаси далаларда етиштирилган мўл-кўл ҳосилдан олинган даромадлар эвазига барпо этилди...

Ширкат аъзолари тўлибтошиб тилга олган ютуқлар буларгина эмас. Сўнгги йилларда қишлоқ маркази узукка қўйилган кўздек чиройли бир гузарга айланди. Аҳоли электр энергияси, ичимлик суви ва газ билан тўла таъминланди. 750 метр куб сиғимли сув омбори қурилди. 30 километр узунликда газ қувурлари ётқизилди. Янгидан 5 та дала шийпони қад кўтарди.

Хўжаликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, одатдагидек бу йил ҳам кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига хўжалик ҳисобидан моддий ёрдамдан ташқари 200 килограммдан ғалла ва турли хил сабзавот маҳсулотлари кўмаги берилди.

Албатта, биз бу ишларнинг ҳаммасини хўжалик бошқаруви раиси номи билангина боғламоқчи эмасмиз. Эришилган муваффақиятларда ширкатнинг катта-кичик барча аъзоларининг муносиб улушлари бор.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧ ✧ ✧

Суратларда: ширкатнинг сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва цехидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ ВА КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

11,18 октябрь кунлари ўтказиладиган танлов савдоларига қуйидаги болалар боғчалари қўйилади:

— «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонасига қарашли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 10-уйда жойлашган 392-сонли «Лола» болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 16 571 620 сўм ёки 23 831 АҚШ доллари;

— Яккасарой туман халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбия концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача ёшдаги болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдолари соат 11.00 да бошланади.

11,18 октябрь кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига

— «Тошнефтмаҳсулот» давлат унитар корхонасига қарашли, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Тошкент халқа йўлининг Сағбон-Охунбоев қисми, 18-19-километрида жойлашган, **бошланғич нархи — 155 785 900 сўм ёки 224 100 АҚШ доллари** бўлган 106-сон автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси;

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,О м ва Г-38,О м кўчаларида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдириладиган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар, **бошланғич нархи — 640 000 сўм** бўлган ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи сотувга қўйилади.

8,15,22,29 ноябрь кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам тор кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдириладиган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 2 та ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи 1 576 000 сўм ва 0,02 гектар бўлган 1 та ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи 788 000 сўм бошланғич нарх билан сотувга қўйилади.

Танлов савдоларига қўйилган объектларга ва ер участкаларига аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал, кимошди савдоларига қўйилган бошқа объектларга эса бир соат олдин тўхтатилади.

Кимошди савдолари соат 10.00 да бошланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16.

Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида гаров пули тўланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

ҚАҲРАМОН МУАЛЛИМ ТАҚДИРИ

У МАКТАБ ОЧДИ, ДАРСЛИКЛАР ЁЗДИ. МИЛЛАТ ФАРЗАНДЛАРИГА ДУНЁВИЙ БИЛИМ БЕРИШ, УЛАРНИ МАЪРИФАТЛИ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ УЧУН КУРАШДИ. 1937 ЙИЛДА ЭСА...



1936 йил 15 октябрь. Сокин куз кунларидан бири. Қўқон шаҳрининг Фарғона маҳалласидаги 1-уйга таниш хат ташувчи бир гала маҳалла болаларини эргаштириб, шовқин-сурон билан кириб келди:

— Абдувоҳоб ака! Қаердасиз? Уйдамисиз? Хушхабар келтирдим! Суюнчи беринг! Қаҳрамон бўлибсиз!

Ҳовли бир зумда қуниқўшнилар билан тўлиб кетди. Абдувоҳоб ака ҳали гап нимада эканлигини англаб етмай, хат ташувчининг қўлидаги телеграммани олиб, ўқий бошлади: «МИҚ қарори билан сизга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Аҳмадбеков». Абдувоҳоб ака «Аҳмадбеков дегани ким бўлди? Бирорта ҳазилкаш дўст-ёрларимдан бири бўлса керак», деб ўйлади шекилли бу хабарга ишонгиси келмади. Аммо хабар рост эди. «Абдувоҳоб муаллим Қаҳрамон бўлибди», деган хушхабар бутун Қўқонга тарқалди.

...Абдувоҳоб Ибодий 1877 йили Қўқоннинг Эски аравабозор маҳалласида туғилди. Отаси Ибодилла отамерос касби кавшдўзлик орқасидан турмуш тебратган. Ёлғиз ўғли эндигина 12 ёшга кирганида у ёруғ дунёни тарк этди. Абдувоҳоб онаси Робия отин қўлида тарбия кўради. Дастлаб ўз маҳалласидаги мактабда хат-савод чиқарди, 1898 йили эса Қўқонда очилган янги усул мактабига ўқишга кириб, Нўғой домла лақаби билан машҳур бўлган Мулла Шоазимдан таълим олди. Ўша вақтда Қўқонда Нўғой домла мактабидан бўлак намунали ўқув юрти бўлмагани учун Абдувоҳоб мустақил мутолаа йўли билан билимини оширишга киришди.

Нўғой домла мактабини тугатгач, 1901 йили Сўфи Бадал эшонга қарашли ҳовлида янги усул мактабини очди. Сўфи Бадал эшоннинг укаси Орифхон эшон ҳам янги усул мактабини қўллаб, Баллабоқ-қоллик маҳалласидаги хонақоҳидан жой ажратиб берди. Абдувоҳоб Ибодий бу мактабларда ҳар йили 100 нафардан ортиқ болаларга таълим-тарбия берди. Уларни исломий фанлардан ташқари, фаройиз (ҳисоб), хандаса (ер ўлчаш), жуғрофия сингари дунёвий фанларга ҳам ўргатди.

Абдувоҳоб 1914 йили қўқонлик маърифатпарвар Солижон деган бойнинг саъй-ҳаракати ва саховати билан муборак ҳаж сафарига чиқади. У йўл-йўлакай шарқ мамлакатларидаги мактаб ва маориф ишлари билан танишади. Сафардан қайтгач, олган таассуротлари ва тажрибалари асосида Қўқонда 1-сонли намуна мактабини ташкил этади. Дастлаб «Урфон» деб аталган бу мактаб тез орада шаҳар аҳли ўртасида шуҳрат топиб, «Мактаби Ваҳобия» деган ном олади.

Усули жадид мактабининг афзаллигини намойиш этиш мақсадида ҳар йили ўтажак имтиҳонларга шаҳарнинг кўзга кўринган уламо ва фузалолари ҳакам аъзолари сифатида таклиф этиларди. Талабалар бу ҳурматли кишилар ҳузурида имтиҳон топшириб, олган билимлари нечоғли ҳақиқий эканлигини исбот қилардилар.

Жадид маърифатпарварлари янги усул мактабларидаги таълим тизимининг афзаллигини кўрсатиш учун ана шундай «очиқ имтиҳонлар»дан самаралари фойдаланганлар.

Абдувоҳоб домла, замондошларининг гувоҳлик беришларича, мактаб ёшидаги болаларга таълим ва тарбия бериш билангина кифояланмай, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, мактаб ҳаётига оид мақолалар ёзиш билан ҳам шуғулланди. У 1912 йилда «Мифтоҳ ул-алифбо» ва «Таҳсил ул-алифбо», 1914 йили эса тўрт қисмдан иборат «Эътиқоди исломия» номли дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этди. Зикр этилган асарларнинг дастлабки иккиси янги усул мактабларида бошланғич синфларида дарслик вазифасини бажарди. Уларда ҳарф ва бирикмаларнинг ёзилиш ҳамда талаффуз этиш қоидалари, рақамлар, оғирлик ўлчовлари, рўзғор асбоб-анжомлари, дарахтлар, ҳайвонлар, шаҳарлар ва бошқалар ҳақида маълумот берилган, ибратли ҳикоят ва пандномалар нақл этилган эди. Абдувоҳоб Ибодийнинг бу дарслик ва ўқув қўлланмалари Фарғона водийсида очилган янги усул мактабларида узоқ вақт хизмат қилган.

Агар машҳур муаллимнинг «Садои Фарғона» газетаси (1914 йил 6-сон)да босилган «Туркистон аҳли нима учун инқирозга юз тутдилар?» деган мақоласига назар ташласак, унда, чунончи, истеъдодли ёшларни бошқа мамлакатлардаги нуфузли ўқув юртларига ўқиш учун юбориш масаласи биринчилардан бўлиб Абдувоҳоб Ибодий томонидан кўтарилганини кўрамиз.

У ватандошлари бошига тушган оғир ижтимоий-маданий аҳволни тасвирлаб бўлгач, бундай сўзларни ёзган:

«Мана! Бу аҳли ислом бошиға ёғган фалокатларни йўқотмоқ учун: аҳволи замондан хабардор, ҳар фоидалик жадидни, ҳар ислоҳни мақбул кўрадурган, диёнатлик, мунаввар фикрлик муҳтарам уламо, муаллим ва имомларимиз, ҳар хил хурофотлардан саклануб, исломнинг соф ҳақиқат ва моҳиятларини халқға тушундуруб, хусусан авом ан-нос ороларида кўб шоъи бўлғон бачабозликка ўхшаш ёмон феъллар ва бидъат ишларнинг йўқ бўлмоғиға, азтаҳидил ғайрат бирлан кувшаш қилмоқ. Таълим, тарбия ишларини йўлға қўймоқ, муаллимлар етишдурмоқ учун: Ўрунбурғ, Қозон, Уфа ва бошқа ерларға шогирдлар юбормоқ, ҳифзил сиҳатға мувофиқ бўлмағон мактабларнинг ислоҳини ҳимматлик ва ҳамиятлик бойларимиз хотираларига солиб турсалар, тез фурсатда Туркистонимиз халқининг илм ва маърифат тобмоқликлари табиийдур».

Абдувоҳоб Ибодийнинг бу орзулари XX асрнинг 20-йилларида қисман рўёбга чиқа бошлади. Аммо бу сўзлари учун у ўша кезларда ҳам, кейин — 30-йилларнинг ўрталарида ҳам озмунча жабр чекмади.

1917 йил воқеаларидан кейин истиқлол орзуси билан яшабизга етиб келган маълумотга кўра, Абдувоҳоб Ибодий 1921-1923 йилларда Қўшчи союзида ва озиқ-овқат тайёрлов пунктида мудир бўлиб ишлаган. 1925-1926 йилларда эса маҳаллий ҳукуматнинг топшириғи билан у судьялик вазифасини ҳам адо этган.

20-йилларнинг ўрталарида Қўқонда 8-сон болалар интернати ташкил этилади. Мақоламиз қаҳрамони 1930 йилга қадар болалар интернатида мудир ва тарбиячи бўлиб хизмат қилади. Бу даврда интернатда Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир, Иброҳим Назирий, Қурбон Назаров, Абдулла Шокир, Восиҳ Рашид сингари исмлари ҳар бир қўқонлик учун азиз бўлган кишилар тарбия кўрадилар. 1930-1937 йилларда эса Абдувоҳоб Ибодий 1-сонли болалар уйида мудир лавозимини адо этиб, у ерда этикдўзлик, дуғаган зиёлилар Қўқонга йиғилиб, Туркистон Мухторият ҳукумати ташкил этилганини эълон қилдилар. Большевикларнинг «миллий манфаатлари»га зид бўлган Мухторият 1918 йил февралида мунтазам армия ёрдамида тугатилиб, Қўқон вайрон этилди. Орадан кўп ўтмай, «Мактаби Ваҳобия» коммуна номидаги мактаб-интернатга айлантирилди. Абдувоҳоб Ибодий ёш дўстлари Шокир Сулаймон, Наим Саид ва бошқалар билан бирга шу мактаб-интернатда ишлай бошлади.

Муаллимнинг тўнғич фарзанди Абдулҳай Ибодиев орқали боғимиз бўларди. Мен бу боғни 5-6 ёшимдан билардим. Менинг тасаввуримда боғ жуда катта кўринар эди. Бу боғ уйимиз яқинидан оқиб ўтадиган Оқтепасойнинг бўйида барпо этилган эди.

Бу боғда ўрик кўп эди. Шафтоли, олча, олма, беҳи ва гилос ҳам бор эди. Боғнинг бир томони сой бўлса, унга кўндаланг тушган кўча одамлар ўтиб турадиган йўл эди. Онамнинг айтишларича, куз кунларининг бирида, кечки пайт дадам ишдан келиб, шу боғдаги супада икки ҳамкасби билан дам олиб ўтирган эканлар. Табиийки, суҳбат ўз ишлари, кейинги режалар ҳақида бўлган. Онам кечки овқатга шўрва пишириб, 3 та косада боққа чиқарганлар. Дадамлар гаплашиб ўтириб, шўрвани ичишган. Сўнг дадам билан бирга ишлаётган ҳамкасбларидан бири — ёши радгорлик, тикувчилик устахоналарини, шунингдек, турли-туман тўгаракларни ташкил этади. 1936 йил 14 октябрда эса республика Марказий Ижроия Қўмитасининг қарори билан «узоқ йиллар (30 йил) педагогика соҳасида кўпгина қилган фойдали иши» учун унга «Меҳнат Қаҳрамони» унвони берилади.

Аммо орадан бир йил ўтгач, муаллимнинг кенжа қизи Азизахон Ибодиева бундай ҳикоя қилади:

«Онамнинг айтишларича, дадамнинг ўзлари тиконзор ерга ишлов бериб, яратган мевали каттаси ўрнидан туриб, уйига жўнаган. Ёши кичиги — аввал дадамнинг ўзларида ўқиб таълим олган, кейинчалик бир сафда ишлаб турган шогирдлари Қодир Мелиев билан суҳбат давом этган.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, боғда маҳкаманинг одамлари пайдо бўлган ва дадамни қаёққадир олиб кетишган...»

Шундай қилиб, 1937 йилнинг одамютар кунларида, бошқа сафдошлари қатори Абдувоҳоб Ибодий ҳам «халқ душмани» сифатида қамоққа олинди. Унга қуйидаги айблар қўйилган эди:

1. Ибодиев Абдувоҳоб инқилобга қадар ўз ташаббуси билан камбағалларнинг болалари учун жадид мактабини очган, мактаб харажатларини қоплаш учун ота-оналардан ойига 1 сўмдан 3 сўмгача пул олган. Ўқувчилар сони 200 га яқин бўлгани учун мактабга бошқа ўқитувчилар ҳам таклиф этилган. Бинобарин, махбус ёлланма ишчи кучидан фойдаланган.

2. Ибодиев Абдувоҳоб 1914 йилда пантуркист сифатида Истанбулга борган ва у ерда Анвар Пошшо билан учрашган.

3. Ибодиев Абдувоҳоб Тошкентга келганида Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг собиқ раиси қўқонлик Абдуллажон Каримов билан учрашган, у ва бошқа республика раҳбарлари қамоққа олинганларида улар ҳақида мақтов сўзлари айтган.

4. Ибодиев Абдувоҳоб ўз томорқасида интернатда тарбияланувчиларни ишлашга мажбур этган.

5. Ибодиев Абдувоҳоб Қўқон шаҳридаги шарқ меъморчилиги обидалари (масжид, мадраса ва бошқа миллий маданият иншоотлари)нинг бузиб ташланишига қарши норозилик билдирган.

Маърифатпарвар бир инсоннинг ўз юрти, ўз миллати истиқболи учун қилган хизматлари жиноят ҳисобланди. У қамоққа олинди ва йўқ қилиб юборилди.

Суҳбатимиз чоғида Азизахон болалигида онасидан эшитганларини эслади:

— «Даданг жуда яхши одам эди. Болаларни мактабда ўқитар эди. Уларни ўқитиш учун китоб ёзарди. Алоҳида уйчаси — ишхонасида ўтириб, кўпинча кечалари ишларди... Ўзи мактаблар очиб, камбағалларнинг болаларини ўқитишга ҳаракат қилар эди. Уларни меҳнатга ўргатиш учун ер очиб, кўкат эктирган, боғ яратганди. Боғдан чиққан даромад болаларнинг ўзларига сарф бўларди. Муаллимларга ойлик тўларди, талабаларга озиқ-овқат, кийим-кечак олиб берарди...

— Ая, дадам қачон келадилар? Мен дадамни кўраманми?

— Албатта, кўрасан, қизим. Худо хоҳласа у бир кун қайтади. У келиб, сени бағрига босади...»

Она ваъда қилган кунлар келди. Халқимизнинг маърифатпарвар фарзандларидан бири Абдувоҳоб Ибодий ҳаёт йўли ўрганилиб, унинг хотираси ардоқланмоқда.

■ **Наим КАРИМОВ**

ВОСИТАЧИ ҒОЙИБ БЎЛДИ

Чеченистондаги араб ёлланма аскарларининг хориждаги ҳомийларга боғлаб турувчи Абу ал-Валид билан алоқалари узилиб қолди. Ғойиб бўлган ал-Валидни ҳомийлар ҳалок бўлди, деб ўйлашмоқда. Шу боис жангариларга берилаётган молиявий ёрдамни камайтиришди. Агар ал-Валид ҳалок бўлганлиги рост бўлса, ҳомийлар унинг ўрнига бошқа номзод топишни мўлжалламоқдалар.

ШУБҲАЛИ ШАХСЛАР УСТИДАН ТЕРГОВ

Россия Федерацияси бош прокуратураси ходимлари Владикавказ шаҳрида қатор йирик террорчилик ҳаракатларини ташкил этиш ва амалга оширишда гумон қилинаётган уч кишини ҳибсга олишди. Гап шундаки, шаҳарнинг марказий бозорида 1999, 2001 ва 2002 йилларда учта портлаш юз берганди. Шунингдек, 1999 йилда темир йўл вокзалида ҳам террорчилик ҳаракати натижасида бир қанча одамлар қурбон бўлганди. Ҳибсга олинганларнинг ҳаммаси шу ҳудудда яшайдилар. Улар Гелаев жангариларига ёрдам беришгани учун илгари ҳам қамалган эди. Бироқ тергов натижасида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг террорчилик ҳаракатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ экан.

АЛ-ЗАВОҲИРИЙ ЎЛДИРИЛДИ

Афғонистонда Усама бин Лоддиннинг ўринбосари ва унинг энг яқин кишиси Аймон ал-Завоҳирий ўлдирилди. Афғонистондаги айрим манбаларнинг таъкидлашига кўра, унинг ўлдирилиши жанговар ҳаракатлар пайтида эмас, балки номаълум шахслар томонидан амалга оширилган махсус операция жараёнида юз берган. Аслида Завоҳирий Миср фуқароси бўлиб, уни ҳибсга олиш учун илгари Интерпол ордер берган эди.

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тель-Авив округ судида Фаластиннинг «Танзим» гуруҳи ҳамда Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги «Аль-Ахса» гуруҳи раҳбари Морван Баргутий устидан суд жараёни давом этмоқда. Суднинг аввалги мажлисларида Баргутий ушбу муҳокама ноқонуний эканлигини таъкидлади. Унинг адвокатлари эса суд жараёнини Женева конвенцияси ва келишувларини қўпол равишда бузиш, деб ҳисоблашмоқда. Суд эса Баргутийни ҳимоя қилаётган бир гуруҳ кишиларни ва хорижий адвокатларни залдан чиқариб юборишни лозим топди.

ТИЛГА ЭЪТИБОР

Латвия Президенти Вайра Вике-Фрейбер журналистларга берган баёнотида Латвия фуқароси бўлмаган кишилар тезроқ Латвия фуқаролигини олишлари ёки мамлакатни тарк этишлари зарур, деди. Президентнинг фикрича, Латвиянинг барча аҳолиси латиш тилида сўзлашиши зарур. Зеро, у давлат тили. «Агар кимки, бундан ўзини ноқулай ҳис қилса, марҳамат, чегаралар очиқ, биз ҳеч кимни зўрлаб ушлаб турганимиз йўқ», деб таъкидлади президент.

7 ноября 2002 года в 14.00 состоится внеочередное общее собрание акционеров ОАО «Toshkent-guruch» по адресу: г. Ташкент, улица М.Ашрафи, 106, в актовом зале ОАО «Toshkent-guruch».

Повестка дня:

№	Формулировка вопроса
1	Увеличение уставного ОАО «Toshkent-guruch» с 48667 т. сум до 97334 т. сум путём увличения номинальной стоимости акций с 1000 сум до 2000 сум.
2	Перераспределение чистой прибыли за 2001 год и направление доначисленных дивидендов за 2001 год на увеличение уставного фонда.
3	Уменьшение количественного состава Наблюдательного совета с 7 до 5 человек. Список Наблюдательного совета: 1. Акилханов О.Б. 2. Алиев С.М. 3. Сафина Г.М. 4. Сотникова Н.Г. 5. Юлдашбаев С.А.
4	Внесение дополнений и изменений в Устав ОАО «Toshkent-guruch».
5	Утверждение протоколов заседаний Наблюдательного совета за 2002 год.

Реестр акционеров закрыт по состоянию на 7 октября 2002 года. По материалам проведения собрания акционеров обращаться по адресу: г. Ташкент, улица М.Ащрафи, 106. Регистрация участников общего собрания начнется в 13.30.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 7, 14, 21, 28 ноябрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Янги Тўлқин» жамоа хўжалиги, Тўйтепа трассасида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (54-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 37355 АҚШ доллари.

2. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Тошкент-Ангрен трассасида жойлашган 67-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (67-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 39802 АҚШ доллари.

3. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Тошкент-Термиз автошоссесининг 46-километрида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 74731 АҚШ доллари.

4. Бухоро вилояти, Жондор туманида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 32047 АҚШ доллари.

5. Наманган вилояти, Давлатобод тумани, Қўқумбой кўчасида жойлашган 24-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (24-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 51065 АҚШ доллари.

6. Фарғона шаҳри, Қува шоссесида жойлашган, Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси Низом жамғармасининг 75 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 215 043,075 АҚШ доллари.

Шунингдек, ушбу аукцион савдоларига миллий валютага сотиладиган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги қуйидаги объектлар қўйилади:

«Самарқандсувқурилиш» трестига қарашли:

1. Самарқанд вилояти, Иштихон туманида жойлашган «Иштихон ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колоннаси» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 90450,0 минг сўм.

2. Самарқанд вилояти, Нарпай туманида жойлашган «Нарпай ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колоннаси» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 81900,0 минг сўм.

3. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида жойлашган «Каттақўрғон ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колоннаси» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 366750,0 минг сўм.

4. Самарқанд вилояти, Пахтачи туманида жойлашган «Пахтачи ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колоннаси» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 72900,0 минг сўм.

«Сирдарёсувқурилиш» трестига қарашли:

Сирдарё вилоятида жойлашган «Мирзачўл» механизациялашган кўчма колоннаси» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 114716,4 минг сўм.

Изоҳ: (Мазкур МЧЖлар Низом жамғармасига ижтимоий соҳа объектлари киритилмаган бўлиб, улар жамиятга эгалик қилиш ҳуқуқисиз фойдаланишга берилади).

2002 йил 18, 25 октябрь, 7, 21 ноябрь кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоят бошқармасига қарашли «Мингчинор» асаб касалликларини қайта даволаш шифохонаси.

Бошланғич баҳоси — 30 860 000 сўм.

Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:

1. Шифохона фаолиятини 3 йилгача ўзгартирмаслик;
2. Қўшимча тиббий хизмат турларини ташкил этиш;
3. Шифохонани замонавий тиббиёт аппаратуралари билан таъминлаш;
4. Санитария ва гигиена талабларига қатъий амал қилиш;
5. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига имтиёзли хизмат кўрсатиш;
6. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 18 октябрда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 25 октябрда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 7 ноябрда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда) 21 ноябрда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17.
www.uzrkmb.com

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ВОЛЬТЕР (АСЛ ИСМИ – ШАРИФИ – ФРАНСУА – МАРИ АРУЭ) – ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ. 1694-1778 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН.

● Кимда ўз ёшининг руҳи бўлмаса, у ушбу ёшнинг қайғуси билан яшайди.

● Биз бу дунёни қандай учратган бўлсак, уни шундай бемаъни ва ёмон ҳолатда қолдирамиз.

● «Некбинлик нима?» — «Эвоҳ, бу, — деди Кандид, — ҳамма нарса аслида ёмон бўлган пайтда, ҳамма нарса яхши, деб айтиш иштиёқи».

● — Шунингдек, мен биламан, — деди Кандид, — боғингни парвариш қилишинг керак...

— Баҳслашмасдан ишлайлик, — деди Мартэн, — ҳаётни чидаса бўладиган қилишнинг танҳо воситаси шудир.

● Мен шубҳаланишнигина биламан.

● ... Ҳар қандай яратилганлик яратувчи ҳақида гувоҳлик беради.

● ... Биз мия ёрдамида, оёқлар ёрдамида юрганимиздек, фикр қиламиз.

● Нима учун Паскаль ўзининг «Фикрлар»ида бизнинг ҳаётимиздан қайғулар ва мусибатлар занжирини ясайди? Ёруғ оламни қамоҳона ва барча одамларни маҳкум этилган жиноятчилар, деб тасаввур қилиш, бу — одамовининг фикри; мангу ўйин-кулгига жой бер, деб ўйлаш, бу — хаёлпарастнинг нотўғри фикри; ер, одамлар, ҳайвонлар, Тангрининг тартиботига кўра, қандай бўлишлари лозим бўлса, улар худди шундайлар, деб билиш — дононинг аломати.

● Мен чинакам файласуфларни бамисоли илоҳийлик ҳаворийлари, деб биламан. Бундай ҳаворийлар турли тоифадаги одамлар учун кераклар. Черков қошидаги бошланғич мактабнинг катехизис (диний ақидаларнинг савол-жавоб тарзидаги баёни – М.Р.) ўқитувчиси болаларга Худо бор, дейди; Ньютон буни оқилларга исбот қилади.

● Хурофот — инсон ақлининг энг даҳшатли душмани.

● Мутаассибликдан нафратланувчи янги авлод вояга етмоқда. Файласуфлар раҳбарлик қиладиган кун келади. Ақл салтанати ҳозирланмоқда.

● Мен бу дунёнинг, мақсади — *ҳақиқат*, деб аталувчи фалсафий тошни ахтариш бўлган, узоқ ўлкаларини зиёрат қилишга қирқ йилга яқин вақт сарфладим. Қадимги дунёнинг барча ихлосмандлари билан маслаҳатлашдим; Эпикур ва Августин, Платон ва Мальбранш билан, аммо, қашшоқлигимча қолдим.

● Худони билиш учун унинг ўзи бўлмоқ лозим.

● Илм-фан муваффақияти — вақт ва ақл жасоратининг иши.

● Санъаткор тўғрисида унинг ўз устидан эътироф этадиган қонунларга қараб ҳукм чиқаринг.

● Шундай жиноятлар ва мусибатлар даркорки, токи улар яхши одамларнинг қисмати бўлсинлар.

● Кулгига айланган нарсанинг хавфли бўлиши мумкин эмас.

● Агар авом мулоҳаза юрита бошласа — ҳаммаси барбод бўлди!

● Ижтимоий тенглик, бу — ҳам энг табиий, ҳам энг хомхаёл ғоя. Бизнинг бебахт сайёрамиздаги жамиятда яшаётган одамлар иккита — буйруқ берадиган бойларга ва хизмат қиладиган камбағалларга бўлинмаслиги мумкин эмас.

● Ҳалол-пок одамни тазйиқ остига олиш мумкин, аммо, бадном қилиб бўлмайди.

● Мен қаерда бўлсам, жаннат ўша ерда.

● Ёмонлик қилишнинг қулай фурсати кунига юз маротаба туғилади, яхшилик қилишнинг қулай фурсати эса — йилига бир маротабагина ...

● Дунёда биз икки лаҳза яшаймиз — бирини ақлга берайлик.

● Ҳаққонийлик ва гўзаллик барча замонлар ҳамда халқларда бир хил.

● Бизга панд-насиҳат қиладилар: борингизга қаноат қилинг, яхшироғини истаманг, ҳавасларингизни жиловланг, безовта руҳингизни тийинг. Булар ажойиб ўгитлар, аммо, агар биз уларга ҳамиша эргашганимизда эди, ҳозиргача чўқаёнғоқ билан овқатланган ва очиқ ҳавода ухлаган бўлардик.

● Мен ҳануз ҳаётни севаман. Бу бемаъни заифлик, эҳтимол, бизнинг энг таҳликали нуқсонларимиздан бири бўлса, ажаб эмас: ахир, устингдан улоқтириб ташлашни хоҳлаган юкни узлуксиз кўтариб юришдан, ўз ҳаётидан воҳимага тушиш ва уни чўзиб юришдан бемаънироқ истакнинг бўлиши мумкин эмас.

● Одатий бўлиб қолган нарсалар паст баҳоланадилар.

● Эҳтиросларнинг, бу — кеманинг елканларини учирадиган, шамоллардир. Баъзан, улар уни чўктирадилар, аммо, у уларсиз суза олмасди. Дунёда ҳамма нарса хавфли — ва ҳамма нарса зарур.

● Одамлар ўта хоҳлаган нарсаларига енгил ишонадилар.

● Барча замонларда, ва барча мамлакатларда, ва барча тасвирларда ярамасликлар ғиж-ғиж, яхшиликлар эса — камдан-кам учрайди.

● Табиий нарсагина гўзалдир.

● Ҳажв ҳеч кимни тузатмайди, балки, тентакларни ғазаблантиради, ва улар янада ёвузлашадилар.

● Агар ҳар қандай фикрлашнинг манбаи — бой ва етук хотира бўлса, ўзига керагидан ортиқча юк олган хотира унинг учун ҳалокатлидир. Дарҳақиқат, ўз калласини номлар ва сонлар билан лиқ тўлдириб олган киши қиёфаларни яратиш учун зарур бўлган заҳирага эга эмас. Фойда ва ҳийла-найранг билан машғул одамларнинг фикрлашлари, одатда, бесамардир.

● Меҳнат инсонни учта асосий мушкулот — зерикиш, ёмон хулқ ва муҳтожликдан халос этади.

● Файласуфлар, уларни тазйиқ этаётган ва ўзларидан бекиниб олиш учун, иккита ёки учта кулбага эга бўлишлари лозим.

● Мен Сизнинг фикрингизга қўшилмаслигим мумкин, аммо, Сизнинг уни айта олиш ҳуқуқингиз учун жонимни қурбон қилишга тайёрман.

● Ватан, бу — қалбни тутқун этган диёрдир.

● Агар Худо бўлмаганида эди, уни ўйлаб чиқармоқ керак эди.

● Яхшилардан яхшиси бўлган бу дунёда ҳамма нарса яхшиликкадир.

● Киши ҳақида, унинг жавобларига қараганда, кўпроқ саволларига қараб ҳукм чиқар.

● Фойдаланинглар, аммо, суиистеъмол қилманглар — доноликнинг қоидаси шундай. Ва тийилиш, на ортиқчалик бахтиёр қилмайдилар.

● Дангасалар ҳамиша ўртамиёна кишилар бўладилар.

● Мангуликка арзимас юк билан равона бўладилар.

● Ватанимга муҳаббатим мени ажнабийларнинг ютуқларини менсимасликка мажбур этмайди. Аксинча, ватанимни қанчалик кўпроқ севсам, мамлакатимни унинг заминидан қазиб олинмаган дурдоналар билан шунчалик кўпроқ бойитишга интиламан.

● Кўз ёшлари, бу — унсиз сўзлар.

● Яшамоқ — меҳнат қилмоқ демак. Меҳнат инсоннинг ҳаётидир.

● Иш фикр учун эмас, балки, фикр иш учун яратилган.

● У нодон киши бўлса керакки, унга берилган ҳамма саволларга жавоб бераётган экан.

● Назариялар сичқонларга ўхшайдилар; тўққизта тешикдан ўтадилар ва ўнинчисида ушланиб қоладилар.

● Одамлар кам фикрлайдилар; чалакам-чатти ўқийдилар, шошиб ҳукм чиқарадилар ва мулоҳазаларни, худди муомаладаги тангани қабул қилгандай, қабул қиладилар.

● Кўп тил билиш — битта қулф учун кўпгина калитларга эга бўлиш демак.

● Тил яна шунинг учун ҳам катта аҳамиятга эгаки, унинг ёрдамида биз ўз фикрларимизни яширишимиз мумкин.

● Хатоларни кавлаштириб, балким ҳақиқатни очишга сарф қилиш жоиз бўлган вақтни йўқотадилар.

● Фазилат ва нуқсон, яхшилик ва ёмонлик — барча мамлакатларда мазкур ҳодисанинг жамият учун фойдали ёки зарарли эканлиги билан белгиланадилар.

● Давлатда қонунларнинг кўплиги — табиблар сонининг кўплигидай нарса: касаллик белгиси ва ношудлик.

● Эркинлик фақат қонунларга тобе бўлишдадир.

● Фақат заифлар жиноят содир қиладилар: кучли ва бахтли кишига унинг кераги йўқ.

● Ҳеч қачон йигирмата каттакон жилдлар инқилоб қилмайдилар, уни йигирма су (ўша пайтдаги Франция пул бирлиги – М.Р.) турадиган митти чўнтак китобчалари амалга оширадилар.

● Қатъиятлилик ақлнинг жасоратидир, у маърифий дадилликни тақозо этади. Қайсарлик, аксинча, ақлни йўқотганликни тақозо қилади.

● Улкан ишлар учун толмас доимийлик зарур.

● Агар одамлар узундан-узоқ баҳслашсалар, бу баҳслашилаётган нарсанинг уларнинг ўзи учун ҳам аниқ эмаслигини исботлайди.

● Бу дунёнинг барча иззат-икроми битта яхши дўстга арзимайди.

● Муҳаббат — барча эҳтиросларнинг энг кучлисидир, чунки, у бир вақтнинг ўзида ақлингни, қалбингни ва вужудингни забт этади.

● Бениҳоя кичик одамлар бениҳоя улкан мағрурликка эгадирлар.

● Соғайишга умид — соғайишнинг ярми.

● Кексалик аҳмоқ учун — оғир юк, нодон учун — қиш, илм-фан кишиси учун — олтин ўрим фасли.

● Жоннинг ўлмаслиги ақидаси энг овунтирувчи ва, айни пайтда, энг кўп даҳшатга солувчи ғоядир.

● Давлатни қутқариш учун битта улкан одам етарлидир.

● Мен ғалаба туфайли бойиган биронта ҳам халқни билмайман.

● Қўрқаманки, курраи замин — Коинотнинг жиннихонаси.

● Бир эркакнинг бир аёлни севиб қолиши — дунёни у қандай бўлса, шундай бўлишлиги учун етарли бўлди.

● Қироллар ўз вазирларининг ишлари хусусида гўсҳўр эрлар ўз хотинларининг кирдикорлари ҳақида билганларидан кўпроқ билмайдилар.

● Эркакларнинг барча мулоҳазалари аёлнинг битта ҳис-туйғусига арзимайди.

● Ўйла, ўзингни ўзгартириш қанчалик қийин, ва сенинг бошқаларни ўзгартиришингнинг имкониятларини қанчалик ҳеч нимага арзимаслигини тушунасан.

● У буюк ватанпарвар, инсонпарвар киши, ҳақиқий дўст эди, — агар, албатта, унинг ўлганлиги рост бўлса.

● Фозил ҳукуматнинг бўлиши мумкин эмас, чунки, одамлар ҳирслидирлар; улар ҳирсли бўлмаганларида эди, ҳукуматга эҳтиёж қолмаган бўларди.

● Ҳукумат адашаётганида, ҳақ бўлиш хатарли.

● Тенгсизлик эмас, тобелик оғир.

● Луғат, бу — алифбо тартибидаги Коинотдир.

● Қачон эшитувчи гапирувчини тушунмаса, гапирувчи эса у нимани назарда тутаётганлигини билмаса, бу — фалсафадир.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

* **Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

ШЕЪР ВА ШУУР

БИЗ ТЕБРАТГАН БЕШИКЛАРДАН БОБУРЛАР ЧИҚСИН, ХУДО!

Ботирлар ўтган ватандан
Ботирлар чиқсин, Худо.
Англасинлар, бор синоат
Бор сирлар чиқсин, Худо.
Улуғ оналардан, мерос
Мартабамиз — оналик.
Биз тебратган бешиклардан
Бобурлар чиқсин, Худо!

ДЎСТ КЕЛАР...

Ҳалол келсанг, кетар ғам,
Хор кулбанг ҳам муҳташам.
Қанча дўстинг кетса ҳам,
Қолур қанча, дўст келар...

Бунёд бўлади йўқдан,
Қўрқмайди камоҳ, ўқдан.
Шундай кун келар, кўкдан
Тушар ганжлар, дўст келар.

Билмай ойнию кунни,
Майдонга солиб хунни
Сен деб, танҳо, қўшинни —
Йиқар, янчар, дўст келар.

Келсанг ҳаром, афсунгар,
Гарчанд куйгай, ўксингай.
Иккиланмай кўксингга
Пичоқ санчар дўст келар.

Шундай дўст келар, шундай...

МЕНИНГ ҚАЙДИМ

Байроқда юрагингизни
Қўшиб илинг.
Байроқда тоабад ўчмас
ўт бор,
хат бор.
Ерга эмас, кўкка қараб
Сиз интилинг.
Байроқда кўтариб кетар
бир қудрат бор.

Дил— байроққа айлансин.
Бу менинг қайдим.
Кўтарилса Дуннинг йиртгич
Дўли етмас.
Айланса у қушдай
Ердан баландлайди.
Ҳар пасткашнинг ҳар майданинг
қўли етмас.

Байроққа айлансак Тошкан
Урганчда ҳам
Элига омонлик тилар
Байроқларга
Қутлуғ боши кўкка
Тегиб турганда ҳам
Оёғида эл йиғилар
Байроқларга.

ФИҒОН

Онам Қаршигул Хонназар қизи хотирасига

Гул кетди. Ўрнига бошқа гул келди,
Наинки дил, тоғу тошга гул келди,
Хушбўйи, ранглари хилу хил келди,
Онамнинг ўрнига она келмас, оҳ.

Йўқотгандим гавҳар, инжу, заримни,
Бошқа инжу, зарлар ўпди баримни.
Нажоткорим, — десам Оллоҳ Каримни,
Деди: «У бир, бошқа дона келмас, оҳ».

Дунёни сув босса тўпиққа чиқмай
Гуркирардим озор, азият чекмай.
Энди бир тош ўтмас ярамга тегмай
Энди ундай қўрғон, хона келмас, оҳ.

Гул кетди. Ўрнига бошқа гул келди,
Наинки дил, тоғу тошга гул келди,
Хушбўйи, ранглари хилу хил келди,
Онамнинг ўрнига она келмас, оҳ.

■ **Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири**

БОКС

«РУФАТ АКАГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ»

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида 1974 йилги жаҳон чемпиони, Монреаль олимпиадаси кумуш медали соҳиби Руфат Рискиев соврини учун ўсмирлар ўртасида II халқаро турнир бўлиб ўтди. Бир ҳафта давом этган мусобақада Россия, Қирғизистон, Қозоғистон ёш боксчилари ҳам ғолиблик учун кураш олиб борди.

— Ўтган йили турнирнинг 71 кг. вазн тоифасида ғолиб бўлгандим, — дейди мусобақа чемпионларидан бири, бухоролик Аббос Отаев. — Бу галги баҳсларда 75 кг. вазнда барча рақибларимни мағлубиятга учратдим. Турнирнинг «Жаҳон чемпиони вазнидаги ғолиби» махсус соврини ҳам менга насиб этди. Қувонарлиси, Руфат Рискиевдек машҳур боксчининг қўлидан совға олдим. Келажакда Руфат акага ўхшагим келади.

Уч юз нафардан зиёд спортчи қатнашган турнир якунида ғолиблар махсус совринлар билан ҳам тақдирланди. «Ўзбекистон овози» газетаси таъсис этган «Ғалабага бўлган иродаси учун» соврини турнирнинг олтин медали соҳиби тошкентлик А.Собитохуновга (71 кг.) топширилди.

✧✧✧

Суратда: турнирнинг финал баҳсларидан лавҳа.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 89-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияси нинг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	34	**3 ТУР**	**4 ТУР**	Чипта	Телевизор	Сони: 5	Сони: 18	Сони: 215
46	6	1	78	рақами	Чипта рақами	Видеомагнитофон	Сумма: 1700	Сумма: 1100
4	54	23	17	20015533.2	30025526.1	Чипталар рақами	**15 ТУР**	**21 ТУР**
57	67	74	13	**5 ТУР**	**8 ТУР**	10001138.2	42	81
43	11	88	36	20	18	10009924.3	Сони: 16	Сони: 285
29	3	45	76	26	Сони: 3	40007653.2	Сумма: 1600	Сумма: 1000
28	73	55	52	Сони: 2	Видеомагнитофон	70012285.3	**16 ТУР**	**22 ТУР**
5	14	53	90	Телевизор	Чипталар рақами	80017103.2	7	50
31	9	37	62	Чипта рақами	50006396.1	**11 ТУР**	Сони: 38	Сони: 533
69	39	66	2	10001741.2	50009317.3	58	Сумма: 1500	Сумма: 900
68	83	84	25	90013157.1	70018823.3	Сони: 2	**17 ТУР**	**Қўшимча тур**
64	61	59	71	**6 ТУР**	**9 ТУР**	Сумма: 2000	48	Сони: 18
89	44	75	19	79	24	**12 ТУР**	Сони: 44	Сумма: 900
Сони: 1	49	80	47	33	Сони: 3	38	Сумма: 1400	**Халтадан чиқмаган шарлар:**
4Х5 ҳажмдаги	12	77	40	Сони: 2	Видеомагнитофон	Сони: 8	**18 ТУР**	**8,**
гилам	Сони: 1	Сони: 1	72	Телевизор	Чипталар рақами	Сумма: 1900	21	**10,**
Чипта рақами	4Х5	4Х5	16	Чипталар	10021692.2	**13 ТУР**	Сони: 70	**32,**
40001613.1	ҳажмдаги	ҳажмдаги	82	рақами	30002743.1	70	Сумма: 1300	**56,**
2 ТУР	гилам	гилам	51	10019190.2	30013199.1	Сони: 8	**19 ТУР**	**63,**
22	Чипта	Чипта	30	60003712.3	**10 ТУР**	Сумма: 1800	85	**65**
87	рақами	рақами	Сони: 1	**7 ТУР**	60	**14 ТУР**	Сони: 142	
27	70004189.3	10019394.3	«NEXIA»	41		15	Сумма: 1200	
86			автомобили	Сони: 1			**20 ТУР**	
							35	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 10 октябрдаги 90-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Мурод Абдуллаевга отаси

Абдулла бобо ЭШМУРОДОВнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт Жамғармаси уюшма аъзоси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Мурод Абдуллаевга отаси

Абдулла бобо ЭШМУРОДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Газетамизнинг 2002 йил 1 октябрь сонида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг «Мустақиллик» қисқа муддатли, ютуқли омонати бўйича 2002 йил 27 сентябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи расмий жадвали 130-тартиб рақамидаги 10 000 сўм ютуқ чиққан Самарқанд вилояти Жомбой туман бўлими 09 сонли шаҳобчасидаги ҳисоб вараги рақами МК-4 ўрнига МК-7 деб ўқилсин.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 971

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA